

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВА МАМУРА ФАЙЗУЛЛА ҚИЗИ

**ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ЖИНСИ НИШОНЛАНГАН
ТИЗИМЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ОШИРИШ ВА ЯНГИ ДУРАГАЙ КОМБИНАЦИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Халилова Мамура Файзулла қизи

Тут ипак қуртининг жинси нишонланган тизимларининг технологик
кўрсаткичларини ошириш ва янги дурагай комбинацияларини
яратиш.....3

Халилова Мамура Файзулла қизи

Повышение технологических показателей меченных по полу линий и
создание новых гибридных комбинаций тутового шелкопряда.....23

Khalilova Mamura Fayzulla kizi

Improving technological performance of sex-limited lines of silkworm and creating
new hybrid combinat.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.05/30.12.2019.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВА МАМУРА ФАЙЗУЛЛА ҚИЗИ

**ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ЖИНСИ НИШОНЛАНГАН
ТИЗИМЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
ОШИРИШ ВА ЯНГИ ДУРАГАЙ КОМБИНАЦИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx879 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети ва Илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdau.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насриллаев Бахтиёр Убайдуллаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Валиев Сайфиддин Тождидинович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
к.и.х.

Абдримова Гулбахор Эримматовна
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

«Ўзбекиспаксаноат» уюммаси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.05/30.12.2019 Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 546723 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилади.
(2022 йил « 12 » октябрдаги 3-рақамли реестр баённомаси)



Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

У.Т.Данниров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ахборот-ресурс маркази раҳбари, к.х.ф.д., профессор

А.Ғазиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қотибдаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида *Bombyx mori* L. тут ипак қурти жинсини сунъий бошқариш ва жинсни морфологик белгилар билан нишонлаш муаммоси Ўзбекистон, ХХР ва Япония каби мамлакатларда муваффақиятли ҳал этилган. «жинси нишонланган ва эркак жинсли дурагай уруғ тайёрлаш бўйича етакчи мамлакат ХХР бўлиб, йилига 1 млн дан зиёд кассета уруғ тайёрланади. Ушбу уруғнинг 100% ички бозорга йўналтирилади»¹. Ипакчилик саноати ривожланган Ҳиндистон давлати саноат корхоналарининг асосий талаби ингичка ипак толаси берувчи дурагайлардан фойдаланишга қаратилганлиги сабабли ушбу давлат уруғчилик корхоналарида асосан бивольтин ва поливольтин зотлар урчитилади. Ҳозирги даврда ипакчилиги ривожланган давлатлар илмий марказларининг фаолиятида ипак қуртини боқиш учун жуда мақбул шароитларга эга худудлар учун махсус янги зот ва дурагайларни яратиш ҳамда хом ипак чиқиши, пилла ипини текс (пилла ипи ингичкалиги) кўрсаткичи юқори ипак толали пиллалар етиштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан ҳисобланади.

Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ва Тожикистон каби МДХ мамлакатларида ҳамда Европанинг Болгария, Италия каби давлатларида саноат пиллачилиги ривожланишдан орқада қолганига қарамадан, тут ипак қуртининг дурагай авлодида гетерозисдан фойдаланиш, 100% дурагай олиш ва ипак толасининг технологик хусусиятларини енгил саноат ва тўқимачилик компанияларининг энг охирги талабларига мослаштириш борасида юқори даражадаги илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, тут ипак қуртининг жинси нишонланган янги зот, дурагайларини яратиш ва уларни технологик хусусиятларини ҳамда ипак сифатини ошириш соҳани ривожлантиришдаги илмий-амалий муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ипакчилик Ўзбекистон Республикаси аграр комплексининг жадал ривожланиб келаётган муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва барча вилоятларда замонавий тут плантациялари ташкил этилиб, юқори самарали ипак қурти парваришlash технологиялари асосида ялпи пилла етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, ипак қурти уруғини тайёрловчи корхоналар маҳаллий ипак қурти зотлари билан тўлиқ таъминланмаганлиги ва наслчилик ишларида 100% дурагай уруғ олиш технологиялари жорий этилмаганлиги сабабли, саноат дурагай уруғларнинг 40-45% хориждан импорт қилиб келинмоқда. Ипак қурти уруғчилигида жинси тухумлик даврида нишонланган зотларни амалий аҳамияти беқиёс эканини инобатга олган ҳолда, серҳосил ва ипак толасининг сифат кўрсаткичлари пиллани қайта ишлаш корхоналари талабига мос келадиган жинси бошқариладиган тизим ва саноат дурагайларини яратиш борасидаги генетик ва селекцион тадқиқотларни янада интенсивлаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

¹ Yong Qiang Wang. «ХХР да тут ипак қурти генетикаси ва жинсини сунъий бошқариш» мавзусидаги маърузасидан. «Ўзбекипаксаноат» уюшмасидаги ҳалқаро давра суҳбати материалларидан. –Тошкент, 2021.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонининг 2-иловасига мувофиқ «мамлакатимиз ипакчилик соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятидан келиб чиқиб, ипак маҳсулотлари экспортини 95 млн АҚШ долларига етказиш»² вазифаси белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 мартдаги ПҚ-2856-сон «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3616-сон «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур йўналишдаги соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациянинг илмий изланиш тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизнинг ўзига хос иқлим шароитларига мос сермахсул зот ва дурагайлар яратиш, уруғчиликда суперэлита ва элита ҳамда саноат уруғларини тайёрлашнинг генетик ва селекцион асосларини ишлаб чиқиш ҳамда тут ипак қуртида экспериментал андрогенез, партеногенез, гиногенез усулларини ишлаб чиқиш борасида Б.Л.Астауров, В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, А.Б.Якубов, С.С.Леженко, У.Н.Насириллаев, Е.А.Ларькина ва Б.У.Насириллаевлар томонидан методик жиҳатдан долзарб илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Хорижлик олимлардан Y.Tazima, V.Hasimoto, E.Kawaguchi, U.Sato, P.Chen, Z.Yong ва R.Raghavendra томонидан тут ипак қурти жинсини бошқариш ва ундан саноат миқёсида фойдаланиш йўналишида ва партеногенетик клонлар олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган ва назарий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим натижаларга эришилган.

Ҳозирги даврда республикамизнинг 12 та уруғчилик корхоналарида тайёрланаётган маҳаллий дурагай уруғларни тоза зотли уруғлар билан аралашуви сабабли етарли ҳажмдаги юқори сифатли пилла хом ашёси етиштириш имкони чегараланиб, дурагайлашга киришаётган ота ва оналик зотларни жинсларга ажратиш учун катта ҳажмдаги қўл меҳнати ва молиявий ҳаражатлар сарфланмоқда. Бу борада янги жинси нишонланган зотлар иштирокидаги дурагай комбинацияларини олиш ва жорий этиш илмий жиҳатдан долзарб йўналиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон фармони.

илмий-тадқиқот ишлари режаси ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқотлар режасининг №Ф-А-2018-017 «Сифатли ипак маҳсулоти олишни таъминловчи тут ипак қуртининг янги жинси нишонланган ва оддий линиялараро саноатбоп дурагайларини яратиш» амалий лойиҳаси мавзуси доирасида бажарилган (2019-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тут ипак қуртининг жинси нишонланган янги тизимларини технологик хусусиятларини такомиллаштиришда тухум рангини ирсийланишини аниқлаш ва линиялараро дурагай комбинациялари яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги жинси нишонланган тизимларда тухум рангини ирсийланишини аниқлаш;

жинси нишонланган ва оддий тизимларнинг репродуктив, ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлиги ва технологик белгиларини аниқлаш;

жинси нишонланган ва оддий тизимлараро дурагай комбинацияларини олиш;

жинси нишонланган ва оддий тизимлараро дурагай комбинацияларини репродуктив, ҳаётчанлик, пилла маҳсулдорлиги ва технологик белгиларини аниқлаш;

дурагай комбинацияларининг биологик ва технологик кўрсаткичларини лаборатория синовларидан ўтказиш ва баҳолаш;

тадқиқот натижасини иқтисодий баҳолаш;

янги дурагай комбинацияларини калибрини тадқиқ этиш асосида замонавий автомат пилла чувиш дастгоҳларига мослигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тут ипак қуртининг *Bombyx mori L.* туридан келиб чиққан, урғочи W хромосомасига $+w_2$ гени транслокация қилинган 5 та жинси тухум ранги бўйча нишонланган ва 5 та оддий тизимлари ҳамда улар иштирокидаги дурагайлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тут ипак қуртининг жинси нишонланган янги тизимларининг тухум рангини ирсийланиши, тизимларнинг биологик кўрсаткичлари ҳамда янги дурагай комбинацияларини хўжалик белгиларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тажрибаларни бажаришда «Тут ипак қуртини дурагайлаш», «Жинси бошқариладиган зотларда тухум рангини назорат қилиш методикаси» ва «Оқ пиллали зотларни боқиш агротехник қоидалари» ҳамда тизим ва дурагайларнинг кўрсаткичларини биологик статистика усулларида қайта ишлаш услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор транслокант тизимларнинг ($W+w_2Z$) генотипини юқори технологик хусусиятларни детерминация қилуви генетик омиллар (wz , zz) билан тўйинтириш жараёнида тухум рангини (оч сарғиш ва кулранг) F_1 , F_2 , F_3 бўғинларда ирсийланиш қонуниятлари аниқланган;

жинси нишонланган ва оддий (генотипида транслокация йўқ) селекцион тизимлар иштирокидаги дурагай комбинацияларнинг ўзаро уйғунлашув қобилияти асосланган;

янги дурагай комбинацияларнинг биологик (97,0 - 97,2 % ҳаётчанлик) ва

технологик (3369-3478 м/г) кўрсаткичлари бўйича генетик потенциали аниқланган;

янги дурагай комбинациялардан олинган пиллаларни автомат пилла чувиш дастгоҳларига мослиги, уларнинг 18,0-18,9 мм га тенг калибри кўрсаткичлари асосида илмий жиҳатдан асосланган;

ички ва ташқи ипак бозорида рақобатбардош янги саноатбоп (F_1) дурагай комбинациялари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махаллий уруғчилик корхоналарида уруғ тайёрлашда иш унумини кескин ортишига олиб келувчи янги «Зарафшон 2», «Зарафшон» саноат дурагайлари яратилган ва улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА киритилган (Тошкент, 2022. 7-8-б);

дурагайлашда ишчи кучини камайтирувчи жинси нишонланган зотларни технологик кўрсаткичлари юқори даражага олиб чиқилган;

тут ипак қурти уруғчилик корхоналари учун 100% дурагай олиш имконини берувчи юқори гетерозисли дурагайлаш схемаси ишлаб чиқилган;

янги яратилган дурагайларнинг наслчилик станцияларида кенг миқёсида кўпайтириш учун бошланғич тухум қўймалари олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар ипакчиликда анаънавий воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, диссертация иши натижаларига Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, тажрибаларда олинган рақамли маълумотларга биометрик услублар (\bar{X} , σ , Sx , Cv) қўлланиб, ишлов берилганлиги ва тажриба натижаларининг ишончлилиги даражаси (Pd) ҳисоблаб чиқилганлиги, дурагайларни жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан тасдиқланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тут ипак қуртининг транслокант тизимларини технологик кўрсаткичлари юқори генотиплар билан бойитишнинг генетик схемаси ишлаб чиқилганлиги, жинси бошқариладиган тизимларда тухум рангини F_1 , F_2 , F_3 авлод оилаларида ирсийланиш қонуниятлари аниқланганлиги, шунингдек, олинган илмий натижалар ҳар қандай зот ёки тизим популяциясида жинсни бошқариш усулини қўллаб, исталган жинсдаги насли пиллалар етиштириш ишларида катта самара бериши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тут ипак қурти уруғчилигида 100% дурагай уруғ тайёрлаш имконини берувчи янги «Зарафшон 2» ва «Зарафшон 3» саноат дурагайлари яратилган, ҳамда дурагайлик даражасини ортиши ва ўрта калибрли пиллалар етиштириш орқали мамлакатимиз ипакчилик кластерларида замонавий автомат пилла чувиш дастгоҳларида юқори сифатли ипак толаси етиштириш имкониятларини оширган, шунингдек, уруғчиликни илмий асосда ташкил

этишга хизмат қилувчи «Тут ипак қуртининг жинси нишонланган зотларини синтетик селекцияси ва дурагайлаш бўйича услубий қўлланма» ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак қуртининг жинси нишонланган тизимларини такомиллаштириш ва янги саноат дурагайларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тут ипак қуртининг жинси бошқариладиган «Зарафшон 2» ва «Зарафшон 3» саноат дурагайлари яратилган ва уларга Давлат патентлари олинган (ZAP 2020 0001, ZAP 2020 0002, (22) 23.11.20.). ЎзР ИМА Расмий ахборотнома, №4. 30.04.2021. 848-849-б.). Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 19 июлдаги 3-2/250-сонли маълумотномаси). Натижада яратилган тут ипак қуртининг «Зарафшон 2» саноат дурагайининг 3 қутиси парваришланиб, ҳар бир қутисидан қўшимча 10 кг дан пилла ҳосили олиниб, иқтисодий самарадорлик 1358496,0 сўмни, соф фойда 526032 сўмни ва рентабеллик даражаси назоратга нисбатан 27,8 % га кўтарилган;

«Зарафшон 3» дурагайининг 3 қути ҳажмдаги уруғлари Фарғона вилоят «Агротилла» МЧЖ жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 19 июлдаги 3-2/250-сонли маълумотномаси). Натижада жорий қилинган дурагайининг ҳар бир қути уруғидан қўшимча 8,0 кг тирик пилла олиниб, иқтисодий самарадорлик 992160,0 сўмни, соф фойда 379912 сўмни ва рентабеллик даражаси назоратга нисбатан 20,1 % га ошишига эришилган;

тут ипак қуртининг янги тизимларидан элита уруғ тайёрлаш ишлари «Фарғона Пилла Наслчилик» МЧЖ нинг оилалар питомнигида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2022 йил 19 июлдаги 3-2/250-сонли маълумотномаси). Натижада янги дурагайни ташкил этувчи тизимдан қўшимча 3,3 қути элита уруғи олишга эришилган. 1 қутидан олинган иқтисодий самарадорлик 1732500 сўмни, соф фойда 504900 сўмни ташкил этган ҳолда рентабеллик даражасини 41,1% га ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги, бугунги кундаги зарурияти асосланган, илмий муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тажрибалар материали ва услубиётлари ёритилган, шунингдек, диссертация тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилиб, мамлакатимиз фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига қай даражада мослиги кўрсатилган, диссертация ишининг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларнинг тут ипак қурти назарияси ва амалиёти учун аҳамияти очиб берилган, натижаларни ишлаб чиқаришда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пиллачиликда дурагайлаш – пилла ҳосилдорлигини оширишнинг асосий мезони»** деб номланган биринчи бобида *Bombyx mori L.* тут ипак қуртини жинсий кўпайиши ва уни сунъий бошқариш муоммолари, жинси нишонланган зот ва тизимлардан тут ипак қуртининг саноат дурагайларини яратишда фойдаланиш ва тут ипак қуртининг пилла ҳосилдорлигини оширишда дурагайлашнинг ролига оид маҳаллий ва ҳориж тадқиқотчиларининг илмий ишлари таҳлил қилинган. Мавзуга оид бир қанча муаллифларнинг илмий-тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, ипак қурти уруғчилигида жинси тухумлик даврида нишонланган зот ва тизимлардан кенг фойдаланиш келажакда юқори сифатли 100% дурагай уруғлар олишда юқори самарага эга бўлиши асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материали ва услубиёти»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, манбаси, объекти ва услублари келтирилган. Диссертация тажрибалари 2019-2021 йиллар давомида Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилди. Ишчи дастурга биноан, тадқиқотлар учун йиллар давомида тут ипак қуртининг янги бешта жинси нишонланган ва бешта оддий тизимлари танлаб олинди. Ушбу тизимлар тўлиқ морфо-хўжалик белгилари бўйича таҳлил қилинди ва ялпи танлаш асосида селекция қилиб борилди.

Тажриба материали қуртларидан олинган пиллалар териб олинди ва тизимларни жуфтлаш режасига қараб ♀ x ♂ ёки ♂ x ♀ йўналишда ота ва оналик тизимлар иштирокида куйидаги дурагай комбинациялари олинди: ♀ Линия 5 м x ♂ Линия 102; ♀ Линия 102 x ♂ Линия 5 м; ♀ Линия 11 м x ♂ Линия 100; ♀ Линия 100 x ♂ Линия 11 м; ♀ Линия 32 м x ♂ Линия 101; ♀ Линия 101 x ♂ Линия 32 м; ♀ Линия 11 м x ♂ Линия 66; ♀ Линия 66 x ♂ Линия 11 м. Мазкур дурагайлар авлодларга қиёсланучи сифатида Хитой мамлакатидан келтирилган ҳориж ипак қурти дурагайи ва Республикада районлаштирилган Ўзбекистон 5 дурагайи танланди.

Диссертациянинг **«Жинси нишонланган тизимларни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида янги жинси нишонланган селекцион тизимларларининг F₁, F₂, F₃ авлодларида тухум рангини генетик таҳлили натижалари келтирилган. Аввалроқ яратилган Линия 1 меч ва Линия 2 меч селекцион тизимлари йирик пиллалари бўлиб,

ипак толасининг технологик кўрсаткичлари у қадар юқори эмаслиги сабабли, юқори технологик кўрсаткичга эга жинси нишонланмаган оддий тизимлар, яъни, бошқа донор-зотлар (Л-47, Л-60, Л-70, Л-72, Л-26, Л-27 и Л-67) билан чатиштирилиб, такомиллаштирилди.

1-жадвалда селекцион тизимларнинг F₁ ва F₃ авлодларида тухум рангини ирсийланишини ўрганиш учун янги селекцион тизимларнинг тухум кўймаларини таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлар рақамларда берилган.

1- жадвал


Янги жинси нишонланган тизимлар иштирокидаги F₁, F₂ ва F₃ авлодларида тухум рангининг ирсийланиши (нисбати)

Селекцион тизимлар авлодлари	Таҳлил қилинган тухум сони, (n)	Тухум сони, дона		Тухум рангининг нисбати, %	χ^2	P
		кулранг тусли	оч сарик ва қўнғир тусли			
Линия 4 м F ₂ (Л-1м x Л-47) x (Л-1м x Л-70)	37452	32999	4453	88,1:11,9 (7:1)	2,66	0,25 - 0,10
Линия 5м F ₃ (Л-1м x Л-60)	23777	11562	3935	3:1	1,27	0,50 - 0,25
		1607	1514	1:1	2,77	0,10 - 0,05
		5159	-	100:0	-	-
Линия 6 м F ₂ (Л-2м x Л-70)	34883	30615	4268	87,7:12,3 (7:1)	2,23	0,25 - 0,10
Линия 11 м F ₂ (Л-2м x Л-67)	40741	35735	5006	87,7:12,3 (7:1)	1,68	0,25 - 0,10
Линия 31 м F ₁ (Л-1м x Л-27)	29363	29363	-	100:0	-	-
Линия 32 м F ₁ (Л-1м x Л-72)	27642	27642	-	100:0	-	-

Янги селекцион тизимларнинг биринчи авлод F₁ генотипларида + w₂ гени гетерозигота ҳолатида бўлганлиги сабабли ҳосил бўлган тухумларнинг фенотипи 100% кулранг тусга эга. Шунингдек, селекцион тизимларнинг иккинчи авлодининг (F₂) фенотипида тухумларнинг рангига қараб бўлиниши кузатилади яъни, кулранг тусли тухум билан бирга оч сарик ёки оч қўнғир тухумлар пайдо бўлади. Транслокант ва анъанавий тизимлар иштирокида яратилган янги селекцион тизимларнинг F₂ авлодларида (Линия 4 м, Линия 6 м, Линия 11 м), ажралиш нисбати 7:1, учинчи (F₃) авлодда эса Линия 5 м тизимида ажралишнинг 3 хил тури кузатилди. Барча селекцион тизимлардаги кулранг тухумлардан урғочи ва эркак қуртлар чиққан бўлса, оч сарик ва қўнғир рангли тухумлардан фақатгина эркак жинсли қуртлар чиқди.

1-жадвалдаги кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз, олинган амалий натижалар назарий жиҳатдан кутилган натижаларга мос келади ва

ишончилиги юқори ($P > 0,25-10$). Амалий олинган маълумотлар асосида қуйидаги 1-расмдаги генетик схемаларни тавсия этиш мумкин, яъни жинси нишонланган зотлар популяциясига бошқа оддий хоҳлаган зотнинг хусусиятларини киритиш бўйича олиб бориладиган генетик-селекцион тажрибалар учун дастур ёки жинсни белгиловчи транслокацияни мониторинг қилиш ва сақлаб қолишда фойдаланиладиган усул ҳисобланади.



1-расм. Жинси нишонланган тизимнинг такомиллаштиришда олинган F₁-F₃ авлод тухум ранги.

Ушбу F₁ авлод тухум ранги 100 % кулрангда бўлиши биринчи авлод генотипини 10 аутосомада +w₃ гетерозигота бўлиши ҳисобига рўёбга чиқади. Жинси нишонланган ҳар қандай зотни беккросс чатиштириш қилинганда F₁ авлодда шундай натижа олинади. F₂ авлодда эса, урғочи ва эркак жинсларда кулранг ва оч сарғиш рангли уруғлар фенотип бўйича 1:2:1 нисбатда ажралади, лекин урғочи (♀) жинс W хромосомасида +w₃ гени транслокацияси бўлганлиги сабабли уларда оч сарғиш тухум чиқмайди. Оч сарғиш тухум фақат 1 қисм эркак (♂) авлодда ажралади. Умумий нисбат 7:1 ни ташкил этади. F₂ авлодни ўз ичига олган чатиштириш турли генотипларни ўз ичига олгани сабабли F₃ авлодда 3 хил ажралиш содир бўлади. 1-расмдаги ажралиш 100% кулранг тухумлардан иборат. Чунки, 10-аутосомадаги +w₃ гетерозигота

ҳолат сақланиб турибди.

1-расмдаги ажралишни эса яна бир турида 3 қисм кулранг : 1 қисм оч сарғиш тухумлар олинди. Бунга сабаб урғочи генотипларда транслокацияни бўлиши ва эркак жинсда $+w_3$ гетерозиготаликни сақланишидир. Фақатгина 1 қисм w_3w_3 рециссив гомозигота эркак жинсда тухум ранги оч сарғиш рангда бўлади.

Ушбу генетик схеманинг охирида биз кутган энг асосий ажралиш схемаси кўрсатилган. Яъни, 10-аутосомада w_3w_3 рециссив гомозиготалик ва W урғочи хромосомада транслокацияни сақланиб қолиниши шундай натижани келтириб чиқаради. Ниҳоят такомиллаштишни F_3 авлодида 50 % урғочи кулранг : 50 % эркак оч сарғиш рангли тухумлар олиншига эришилади.

Юқоридаги генетик таҳлил натижаларига кўра F_1 , F_2 ва F_3 авлодлардаги жинслар ва тухум ранглариининг намоён бўлишини гувоҳи бўлдик, аммо хулоса қиладиган бўлсак, селекцион тизимларнинг фақатгина учинчи авлодидагина жинсларга бўлиниш ва тухумларнинг ранги 1:1 нисбатда бўлади.

Диссертациянинг «**Янги тизимлар ва улар иштирокидаги дурагай комбинацияларини яратиш**» деб номланган тўртинчи бобда янги тизимлар иштокидаги илк бор олинган F_1 дурагай комбинацияларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Охирги маълумотларга асосан республикада тут ипак курти уруғчилик корхоналарида Хитой технологиясига асосан пиллани кесиб ғумбакни визуал қўл меҳнати билан жинсларга ажратиб, хориж элита зотларидан саноат (F_1) дурагай уруғлар етиштирилмоқда. Битта уруғчилик корхонасида бир мавсумда ўртача 20-25 кун корхона фақат насли пиллаларни қўл меҳнати билан жинсга ажратиш учун, кунига 200 кишигача ишчи кучи сарфланади. Шу жараён учун ўртача 200-250 млн сўм ортиқча маблағ сарфланади. Бундан ташқари ипак курти ғумбагини визуал жинсга ажратишдаги хатоликлар ҳисобига 10-15% дурагай уруғ тоза зот уруғлари билан ифлосланиб, олинган уруғни сифатини кескин пасайиши кузатилади. Шу билан бирга, келгуси йилларда мамлакатимиз уруғчилик корхоналари тўлиқ маҳаллий зот ва дурагайлар уруғларини тайёрлашга ўтишлари прогноз қилинмоқда. Уруғчилик жараёнларида жинси аниқ кўриниб турадиган зотларнинг аҳамияти беқиёсдир, чунки бу каби ота-оналик зотларни қўлланганда, насли пиллаларни жинсга ажратишдек қийин жараённинг ўзи бўлмайди ва тўлиқ дурагай уруғ олиш имконияти яратилади.

Шундан келиб чиқиб, тажрибаларимизда бир нечта турли дурагайлар синовдан ўтказилди ва репродуктив белгилар бўйича бажарилган таҳлиллар асосида Линия 32 м х Линия 101 ва Линия 101 х Линия 32 м саноат дурагайларини энг юқори тухум маҳсулдорликка эга дурагайлар деб топилди.

Янги истиқболли тизимлар тухум жонланиш даражаси ва куртлар яшовчанлиги, ҳам ота ва оналик, ҳам дурагай кўринишида ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этади. Уруғчилик талабидан келиб чиқиб, биз 2019-2021 йиллардаги тажрибаларимизда ота ва оналик тизимлар ҳамда улар иштирокида олинган дурагайларнинг жонланиши ва куртлар ҳаётчанлигини тадқиқ этдик. 2-жадвал ва 2-расмдаги гистограммадан жинси тухумлик даврида нишонланган ва оддий тизимлар иштирокидаги дурагайларни

кўрсаткичлари ўрин олган.

2-жадвал

**Янги дурагай комбинацияларнинг тухумлар жонланиши
ва қуртлар ҳаётчанлиги (2019-2021 йй.)**

Дурагайлар- нинг номи	Тажриба йиллари ва (n) танлама	Тухумнинг жонланиш кўрсаткичи $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Қуртларнинг яшовчанлиги $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %	Касаллик фоизи $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %
1	2	3	4	5
Линия 5 м х Линия 102	2019/800	96,30±1,25	90,10±0,74	4,30±0,93
	2020/800	98,7±0,33	79,9±3,78	8,3±3,15
	2021/800	94,6±0,6	91,0±1,8	3,03±0,88
	Ўртача	96,5±0,7	87,0±2,1	5,21±1,6
Линия 102 х Линия 5 м	2019/800	91,02±1,08	87,50±0,94	5,80±0,62
	2020/800	88,7±0,33	92,1±1,81	2,0±0,86
	2021/800	77,6±1,2	88,5±0,78	5,5±0,41
	Ўртача	85,8±0,87	89,4±1,18	4,4±0,63
Линия 11 м х Линия 100	2019/800	95,03±0,71	91,90±0,74	3,20±0,17
	2020/800	97,0±1,16	83,6±1,98	8,7±2,43
	2021/800	88,4±1,3	92,4±1,16	2,29±0,46
	Ўртача	93,5±1,1	89,3±1,29	4,73±1,02
Линия 100 х Линия 11 м	2019/800	91,80±1,75	86,50±0,76	5,90±0,29
	2020/800	96,3±0,33	87,1±2,42	4,5±0,20
	2021/800	81,0±1,5	88,7±3,69	2,6±0,46
	Ўртача	89,7±1,19	87,4±2,29	4,3±0,31
Линия 32 м х Линия 101	2019/800	97,50±0,65	93,50±1,09	4,10±0,64
	2020/800	99,3±0,33	88,4±1,01	7,9±1,09
	2021/800	94,3±1,4	94,7±1,27	2,78±0,33
	Ўртача	97,0±0,8	92,2±1,12	4,9±0,69
Линия 101 х Линия 32 м	2019/800	98,01±0,25	93,20±1,02	0,50±0,55
	2020/800	98,3±0,67	91,1±0,15	3,5±1,09
	2021/800	95,3±0,9	94,4±0,61	1,43±0,13
	Ўртача	97,2±0,6	92,9±0,59	1,8±0,59
Линия 11 м х Линия 66	2019/800	95,80±1,11	90,01±0,54	4,50±0,64
	2020/800	99,3±0,33	90,2±2,55	3,9±0,95
	2021/800	88,0±1,73	88,0±2,50	4,8±0,92
	Ўртача	94,4±1,06	89,4±1,86	4,4±0,84
Линия 66 х Линия 11 м	2019/800	94,50±1,08	87,70±0,98	6,21±0,67
	2020/800	99,0±0,58	85,6±0,75	4,9±0,30
	2021/800	93,7±1,4	87,3±2,98	5,0±0,58
	Ўртача	95,7±1,02	86,9±1,57	5,4±0,52
Ўзбекистон 5 (қиёсловчи 1)	2019/800	94,50±0,65	86,80±3,11	4,80±0,80
	2020/800	90,0±3,52	88,0±0,89	4,2±0,15
	2021/800	87,6±2,8	93,3±2,40	2,17±0,69
	Ўртача	90,7±2,32	89,4±2,13	3,7±0,55

1	2	3	4	5
Хориж дурагайи (қиёсловчи 2)	2019/800	97,30±0,63	80,50±4,49	5,60±0,89
	2020/800	96,0±0,58	90,4±1,36	3,4±0,81
	2021/800	96,0±0,7	92,5±0,35	2,6±0,26
	Ўртача	96,4±0,64	87,8±2,07	3,7±0,65


Тухумнинг жонланиши фоизи бўйича ($P_d=0,485-0,993$);

Қуртлар ҳаётчанлиги бўйича $P_d=0,850-0,952$;

Касаллик фоизи бўйича $P_d=0,294-0,987$.

2-жадвалда келтирилган дурагайларга эътибор қаратсак, тухумнинг жонланиш кўрсаткичи уч йиллик ўртача 85,8-97,2% оралиғида намоён бўлганини кўриш мумкин ($P_d=0,485-0,993$). Қиёсланувчи маҳаллий Ўзбекистон 5 ва хориж дурагайларида тухумнинг жонланиши 90,7% ва 96,4% га тенг бўлди. Тухумлар жонланиши бўйича Линия 32 м х Линия 101 (97,0%), Линия 101 х Линия 32 м (97,2%), Линия 11 м х Линия 66 (94,7%) ва Линия 66 х Линия 11 м (95,7%) дурагай комбинациялари бошқа дурагайларга нисбатан юқорироқ натижаларни намоён этдилар. Қиёсловчи маҳаллий ва хориж дурагайларида ушбу кўрсаткич 90,7%-96,4% ни ташкил этиб, янги дурагайлардан 0,8-3,4% паст натижага эга экани 1-жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибди.

Тадқиқ этилаётган F_1 дурагайларда ипак куртларининг ҳаётчанлик кўрсаткичларига назар солсак, бу ерда кўрсаткичларнинг ҳар хиллиги аниқланди. Янги дурагайларда ҳаётчанлик ва касалланиш даражаси мос равишда 86,9-92,9% ($P_d=0,850-0,952$) ва 1,8-5,4% ($P_d=0,294-0,987$) ни ташкил этди. Қиёсловчиларда бу кўрсаткичлар 87,8-89,4% оралиғида ва 3,7% ни ташкил этди. Синалган комбинацияларнинг ҳаётчанлиги бўйича натижалари тухум жонланишига мос келади, яъни Линия 32 м х Линия 101, Линия 101 х Линия 32 м, Линия 11 м х Линия 66 ва Линия 66 х Линия 11 м дурагай комбинациялари нисбатан юқори ҳаётчанлик потенциалига эга. Ушбу дурагайларнинг куртлар пилла ўраш давридаги касалланиш даражаси ҳам буни тасдиқлайди –1,8-4,9%.




2-расм. Дурагайларнинг тухумлар жонланиши ва куртлар ҳаётчанлиги.

Ипакчилик саноатига жорий қилинадиган тут ипак қуртининг зотлари ва дурагайларини юқори пилла ҳосили билан бир қаторда, уларнинг пилла ипининг технологик кўрсаткичлари саноат корхоналари талабига ҳам жавоб бериши лозим. Албатта, қуруқ пиллалардан хом ипак чиқиши, уни чуватилиш даражаси, мустаҳкамлиги, толанинг умумий узунлиги ҳамда метрик рақами шулар жумласидандир. Диссертация ишимизни III. бобида янги жинси нишонланган тиимларни олишда, яхшиловчи зот сифатида технологик кўрсаткичлари юқори бўлган тизимлардан фойдаланилган ва олинган тизимларимизни селекция ишларида асосан технологик белгилар асосий ролни эгаллайди. Ишни ушбу босқичининг асосий мақсади, тизимларни технологик кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, 2019-2021 йиллар давомида ипак қурти тизим ва дурагайларини парваришлаб етиштирган пиллаларни технологик кўрсаткичлари аниқланди. Олинган маълумотлар 3-жадвал ва 3-расмдаги гистограммадан ўрин олган.

3-жадвал

Янги дурагайларнинг технологик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Дурагайлар номи	Қуруқ пилладан хом ипак чиқиши, %	Қуруқ пилладан ипак маҳсулотлари чиқиши, %	Узлуксиз чувалиш узунлиги, м	1 дона пилла толанинг умумий узунлиги, м	Пилла ипининг метрик номери, м/г
Линия 32 м х Линия 101	47,34±1,03	51,83±0,29	1225±172,9	1637±27,1	3369±105,1
Линия 101 х Линия 32	46,56±0,60	49,88±0,45	1422±106,4	1540±67,9	3478±67,2
Линия 11 м х Линия 100	44,55±0,51	49,29±0,42	1241±46,3	1408±13,1	3195±100,3
Линия 100 х Линия 11 м	47,19±0,23	50,16±0,11	1575±28,2	1575±69,56	3135±68,5
Линия 5 м х Линия 102	45,93±0,45	51,33±0,25	1250±34,0	1681±46,0	3704±74,3
Линия 102 х Линия 5 м	47,37±0,47	51,28±0,34	1450±64,2	1858±71,3	3546±69,10
Линия 66 х Линия 11 м	46,03±0,60	49,26±0,45	1412±48,2	1412±39,0	3057±79,3
Ўзбекистон 5 (қиёсл. 1)	45,37±0,35	49,32±0,75	1273±47,4	1459±53,4	3090±35,4
Хориж дур. (қиёсл. 2)	43,52±1,05	48,74±0,36	1053±156	1276±70,5	3309±97,3



3-расм. Янги дурагайлардан хом ипак чиқиши.

3-жадвалдаги технологик кўрсаткичларни таққослайдиган бўлсак, янги олинган дурагай комбинацияларининг энг асосий технологик белгилари стандарт қиёсланувчи дурагайлардан устунлигини кўрамиз. Устунлик биринчи навбатда куруқ пиллалардан хом ипак чиқиши кўрсаткичида намоён бўлди. Линия 32 м х Линия 101 ва Линия 101 х Линия 32 м дурагайларида бу кўрсаткич 46,56-47,34% ни ташкил этганда, қиёсловчи Ўзбекистон 5 ва Хориж дурагайларида 43,52-45,37 % ни ташкил этди. Ўртадаги тафовут 1,97-3,04 абс фоизни ташкил этади.

Пилла ипининг узлуксиз чувалиш узунлиги, яъни мустаҳкамлиги бўйича Линия 32 м х Линия 101 (1225 м), Линия 101 х Линия 32 м (1422 м) дурагай комбинациялари анчагина узилмас, мустаҳкам ипак толага эга экани маълум бўлди. Худди шу рақамлар маҳаллий районлаштирилган ва хориж дурагайларида 1273-1053 м ни ташкил этди.

1 дона пилладан чувиб олинган пилла ипининг узунлиги ҳам тадқиқ этаётган янги дурагай комбинацияларимизда қиёсловчи дурагайлардан сезиларли даражада фарқ қилади, яъни 1540-1637 м оралиғида бўлиб, қиёсловчи дурагайлардан 178-264 м узунроқ натижани кўрсатди.

Ипак саноати учун яна бир муҳим белгилардан бўлган пилла ипининг метрик рақами алоҳида яхши натижа кўрсатган Линия 32 м х Линия 101, Линия 101 х Линия 32 м дурагай комбинацияларида ингичка экани маълум бўлди. Ушбу хулосани олинган технологик кўрсаткичлар жадвалидан бу белгининг кўрсаткичи 3369-3478 м/г оралиғида бўлиши билан асослаш мумкин. Хориж дурагайида толанинг метрик номери 3309 м/г ни ташкил этди. 2019-2021 йилларда олиб борилган қиёсий таҳлилларга асосланиб, технологик кўрсаткичлар ҳозирги кунда ипакчилик саноати талабларига тўлиқ жавоб беради деб яқун қилиш мумкин.

Юқоридаги фикрларнинг далили сифатида ҳар йили етиштирилган пиллаларни лаборатория чувиш ишлари натижасида Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари иштирокида тузилган далолатнома тўлиқ

тасдиқлайди. Далолатномага асосан, янги дурагайлардан олинган пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари пилла чувиш автоматларида юқори сифатли 2А, 3А хом ипак олиш имкони мавжуд.

Диссертациянинг «Тут ипак қурти дурагайларида пилла калибри ва етакчи маҳсулдорлик белгилари» деб номланган бешинчи бобида янги дурагайларни пилласини калибри қиёсий ўрганилган. Ипак қурти генетикаси ва ипак технологияси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ илмий йўналиш ҳисобланади, лекин ҳар доим ҳам селекционерлар томонидан янгидан олинган саноат дурагайларини технологик жиҳатдан чуқур ўрганилмайди. Бу борада пилла калибри катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур диссертация ишини бажарилишида янги дурагайларни ҳам пиллалари калибри бўйича муайян мақсадлар қўйилган. Тажрибаларда тадқиқот ишини селекцион материал калибрини аниқлаш билан давом эттирдик ва янги самарали дурагай авлод олишга ҳаракат қилдик.

4-жадвалдан жинси бошқариладиган ва оддий тизимларини ўзаро жуфтлаб олинган дурагайларнинг пилла вазни, ипакчанлиги ва пилла калибрини аниқлашга оид маълумотлар ўрин олган. 2019-2021 йилги тажрибаларда янги тизимлар ва уларнинг дурагайлари калибри аниқланди. 4-жадвалда 2021 йил баҳор мавсумида олинган пиллалари маҳсулдорлиги ва пилла калибрини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

4-жадвал

Янги дурагайларни пилла калибри ва маҳсулдорлиги (2021 й.)

Янги дурагайлар		Пилла вазни, г	Пилла қобиғи вазни, мг	Ипакчанлик, %	Пилла калибри, мм	
1		2	3	4	5	
Линия 32 м х Линия 101	♀ (n=25)	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	2,21±0,024	475±12,0	22,0±0,59	18,9±0,24
		σ	0,124	60,0	1,74	1,23
		$C_v, \%$	5,61	12,6	7,9	6,54
	♂ (n=25)	$\bar{X} \pm S \bar{x}$	1,90±0,027	502±7,32	26,3±0,18	17,1±0,15
		σ	0,139	36,95	0,92	0,75
		$C_v, \%$	7,31	7,36	3,49	4,38
